

## **Барча Тижорат банкларига**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ахборотлаштириш Бош маркази ДУК, “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази билан жорий йилнинг 19 январ куни тузилган 12/2021-cto-сонли шартнома асосида “Ingenico” русумли “НУМО” тўлов тизимида ишловчи терминалларни онлайн назорат касса машиналари сифатида дастурлаш ва уларни рўйхатга олиш бўйича иш бошлаган.

Мазкур шартнома шартларига мувофиқ оператор (“Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази) ўз захирасидан келиб чиқиб махсус дастурий таъминот ўрнатилган фискал модул (МДТФМ)ларни ТХКМнинг (Ахборотлаштириш Бош маркази ДУК) мурожаатига (аризасига) асосан берилиши кўзда тутилган.

Айни вақтда фискал модуллар оператор захира омборида мавжуд эмаслиги сабабли, тижорат банклари томонидан берилаётган мурожаатга биноан миқдорларни рўйхатга олиш вақтинча тўхтатилади. Фискал модулларни июл ойи бошларида келтирилиши “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази томонидан таъкидлаб ўтилганлигини маълум қиламиз.

**Ахборотлаштириш Бош маркази ДУК  
директори**

**Сариходжаев Д.Ш.**